

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Назарова Р.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази мутахассиси

E-mail: ranonazarova741@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ёш авлоднинг ҳар томонлама маънавий ва соғлом ўсиб-улғайишига таҳдид ва тажовузлар кўпайиб бораётган таҳликали замонда вояга етмаганлар профилактикаси энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Профилактика тизимида оила энг дастлабки ҳамда аҳамиятли бўғин саналадики, унинг функционал вазифалари бажарилиши тизимнинг бошқа субъектларига нисбатан долзарбдир. Ушбу ишда вояга етмаганлар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида оиланинг ўрни ва унинг таъсир доираси, вояга етмаганлар билан олиб бориладиган профилактик ишлар таснифи, профилактика тушунчаси очиб берилган.

Калит сўзлар: вояга етмаган, оила, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, девиант хулқ, ассоциал оила.

THE ROLE OF THE FAMILY IN THE PREVENTION OF JUVENILE CRIME

ABSTRACT

Juvenile prevention is becoming one of the most urgent issues in the time of increasing threats and aggressions to the all-round spiritual and healthy growth of the young generation. In the prevention system, the family is considered the first and most important link, and the performance of its functional tasks is relevant compared to other subjects of the system. In this work, the role of the family in the prevention of

delinquency among juveniles and its sphere of influence, the classification of preventive work with minors, and the concept of prevention are revealed.

Key words: juvenile, family, crime prevention, deviant behavior, antisocial family.

Оила жамият ва давлатнинг энг дастлабки бўгини бўлиши билан бирга боланинг дастлабки референт гуруҳидир. Бола, аввало, ахлоқий тарбияни оила даврасида олади, ҳуқуқбузарлик профилактикасида ўзига хос ўринга эга бўлган “руҳсат” ва “таъқиқ” тушунчаларини болалигидан қундалик майший юмушлар орқали ўрганади. Оилавий муҳит болага ҳамдардлик, намуна бўлиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватланиш, севимли ва муҳим инсон бўлиш каби ҳиссиётларни тақдим қиласди, ўз “мен”ини шакллантиришда бекиёс аҳамият касб этади.

Болаларнинг назоратсизлиги ва ахлоқий қамолотидаги бузилишлар оилада ота-онанинг педагогик ўқувсизлиги, ўз вазифаларини лозим даражада амалга оширмаслиги оқибатида шаклланган салбий муносабатлар орқали келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан вояга етмаган болаларни парваришлаш, тарбиялаш ва ўқитишининг ҳуқуқий асоси Оила кодексининг тегишли нормалари билан мустахкамланган. Жумладан, Оила кодексининг 73-моддаси ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағищланган бўлиб, унга кўра “Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга⁵ эканлигини кўришимиз мумкин.

Жамият мураккаб ижтимоий тизимнинг бир бўлاغи сифатида оилаларнинг тинчлиги ва барқарорлигини сақлашга интилади. Оила бола ҳаётидаги энг

⁵Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. [Электрон ресурс]. – 30.04.1998. – Режим доступа: URL: <https://lex.uz/docs/-104720>. (дата обращения: 29.03.2022).

биринчи жамоадир. Айнан оилада биринчи одатлар ва ҳатти-ҳаракатлар нормалари пайдо бўлади. Жамиятнинг бирламчи бирлиги сифатида оила бир қатор функцияларни бажаради. Булар: репродуктив функция, болаларни саклаш функцияси, жинсий функция, иқтисодий ва майший функция, тарбиялаш функцияси, коммуникатив функция⁶лардир. Ушбу функцияларни тўлақонли амалга ошириш жараёнидаги ҳар қандай узилиш оиланинг ҳар бир аъзосига бевосита таъсир кўрсатади. Боланинг тарбиявий ривожланишида, айниқса, илк ёшларида ва ўсмирлик даврида оиланинг ўрнини ҳеч қайси тарбия институти боса олмайди. Жиноят ёки хукуқбузарлик содир этган ўрта ва катта ёшдаги шахслар хулқидаги оғишлар айнан вояга етмаган давридаги баъзи ҳолатларга бориб тақалиши хукуқбузарликлар профилактикасига вояга етмаган даврданоқ эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Оиладаги сурункали жанжаллар, ҳал қилинмаган низоли ҳолатлар, ота-она ўртасидаги совуқ муносабат, болаларга етарлича эътибор бермаслик ёки аксинча, гиперопек ҳолати ва бошқалар болага ўзтаъсирини ўтказмай қолмайди. Болалар одатда бундай оилаларда зулмга, зўравонликка дуч келади, ўз оиласида ўзи учун референт гуруҳ яратса олмайдилар ва натижада улар тарбиясида девиант хулқ шаклланиши бошланади. Хукуқбузарликка мойиллиги бўлган ўсмирлар ҳаракатлари ўрганилиб таҳлил қилинганда оилавий сабаблар асосий ўринларда кўрсатилади. Бола руҳиятидаги жароҳатларга аксарият ҳолларда ота-онанинг педагогик ўқувсизлиги яъни бирор ҳаракатни қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини тўғри тушунтириб бериш қобилиятининг мавжуд эмаслиги, ўсмирлик даврида ўсмирга кичик бола сифатида қаралиши, ота-она сифатида бола билан ишлаш билимининг йўқлиги ва бошқалар сабаб бўлишини ҳам кўришимиз мумкин. Вояга етмаган боланинг бўш вақти тўғри ташкиллаштирилиши, умумтаълим мактабларида боланинг давомат ҳолати ва ўзлаштириш даражасида ота-она позициясининг мавжудлиги, бола ҳаракатлари

⁶Каримова В.М. Оила психологияси. – Т;: «Фан ва технологиялар», 2007. – 18-21 б.

устидан ота-она назоратининг тўғри йўлга қўйилиши, “ота-она – энг яқин дўст” ғоясига амал қилинишининг ҳуқуқбузарлик профилактикасида аҳамияти катта. Бола учун энг намунали шахслар бу уларнинг ота-онаси ва оила аъзоларидир. Боланинг ижтимоийлашув жараёнида ота-онанинг шахсий намунаси муҳимдир, “қуш уясида кўрганини қиласди” ибораси ҳолатида боланинг хатти-ҳаракатларида оила аъзоларининг ҳаракатлари такрорланишини профилактика ҳолатида инобатга олиш зарур.

Танг психологик муҳит, оилада тез-тез ёки узоқ давом этадиган низолар болага салбий таъсир қиласди. Бундай ҳолатда, болалар ташқи таъсирларга осонроқ итоат қиласдилар, чунки улар ички кучланишни бартараф этишга интилишади. Ота-оналар ва бошқа оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар болаларда девиант хатти-ҳаракатларнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ⁷.

Болаларда девиант ҳулқ-атворнинг босқичлари:

- **маъқулланмаган хатти-ҳаракатлар** - кўпчилик болалар ва ўсмирларда вақти-вақти билан кузатиладиган, ҳазил, бузуклик, итоатсизлик, безовталик, ўжарлик билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар;
- **танбех бўладиган хатти-ҳаракатлар** - бошқаларнинг, ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг қораланишига олиб келадиган хатти-ҳаракатлар (интизомнинг эпизодик бузилиши, қўполлик, қўполлик, беадаблик, инсофисзлик ҳолатлари);
- **девиант ҳулқ-атвор** - тизимли ёки одатий ҳолга айланиб қолган ахлоқий жиҳатдан салбий хатти-ҳаракатлар (алдаш, даъвогарлик, иккиюзламачилик, худбинлик, зиддият, тажовузкорлик, ўғирлик ва бошқалар);
- **жиноятдан олдинги хатти-ҳаракатлар** - жиноий ва бузғунчи хатти-ҳаракатларнинг асосларини ўзида мужассам этган хатти-ҳаракатлар (жамиятдаги одамларнинг хатти-ҳаракати ва муносабатларини тартибга солувчи нормаларни

⁷Петренко Е.А. Роль семьи в профилактике преступлений среди несовершеннолетних. 2017.[Электронный ресурс]. Режим доступа: URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-semi-v-profilaktike-prestupleniy-i-pravonarusheniy-sredi-nesovershennoletnih/viewer>.(дата обращения: 17.01.2021).

эпизодик қасдан бузиш, безорилик, калтаклаш, товламачилик, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, интизом ва умумеътироф этилган қоидаларни ёмон ният билан бузиш). хулқ-атвор ва бошқалар);

- **ноқонуний ёки жиноий хатти-ҳаракатлар** (турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар)⁸.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси бу ҳуқуқбузарлик шароитлари ва сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар тизимиdir. Ушбу жараёнда оиласдаги ўзаро муносабатлар катта ахамиятга эга.

Бола оиласда дуч келадиган шахслараро муносабатларнинг энг муҳим нуқсонлари қўйидагилардир:

1. Оилавий таълим-тарбия учун ноқулай шароитлар;
2. Ота-оналарнингассоциал ҳаракати;
3. Ота-оналарнингмехри ва эътибори етишмаслиги;
4. Гиперпарвариш;
5. Боланингэҳтиёжларини ҳаддан ташқари қондириш;
6. Ҳаддан ташқари талабчан ва авторитар ота-оналар бўлиш.

Қонунчилигимизга кўра, профилактика жараёни умумий ва маҳсус чора-тадбирлардан иборат⁹. Профилактика ҳолати кенг қамровли жараён сифатида вояга етмаганларнинг барчасини қамраб олиши мақсадга мувофиқдир. Бунда мустахкам тизимсифатида бошқа ташкилотлар қаторида оиланинг масъулиятини ошириш, профилактика жараёнларига кенг жалб қилиш, улар ўртасидаги ҳамкорликни мустахкамлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

⁸ Вихорева Ю.А. Роль семьи и семейного воспитания в профилактике правонарушений. [Elektronresurs]. – Режим доступа: <http://shkola1.com.ru/rol-semi-i-semejnogo-vospitanija-v-profilaktike-pravonarushenij/> (дата обращения: 29.03.2022).

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» гиқонуни. [Электрон ресурс]. - Режим доступа: URL: <https://lex.uz/acts/2387357>. (дата обращения: 29.03.2022).

Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий иш кафедраси қошида тайёрланган “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида ижтимоий ишнинг роли” мавзусидаги магистрлик диссертациясининг эмпирик қисмини ёритиб бериш мақсадида ўқувчилардан сўровномалар олинди. Ўқувчилар учун тузилган сўровнома болалар психолози томонидан кўриб чиқилди ва республиканинг 3 ҳудудидаги (Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти, Қашқадарё вилояти) жами 120 нафар респондентлардан сўровномалар олинди.

Ўқувчилардан вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлик содир этишига иаъсир қилувчи муҳит ҳақида сўралганда, уларнинг 37 фоизи оиласвий муҳитни, 28 фоизи дўстлар ва ўртоқлар жамоасини, 11 фоизи интернет ва компьютер ўйинлари олами, 9 фоизи иқтисодий яъни пул билан боғлиқ муаммолар, 5 фоизи мактабдаги ҳодимлар жамоаси, 1 фоизи сархуш қилувчи моддалар, 9 фоизи бошқалар деган жавоб вариантини тақдим қилишган (1-расм).



1-расм. Ҳуқуқбузарлик содир этишга муҳитнинг таъсири бўйича ўқувчиларинг жавоблари

Ушбу жавоблардан шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчилар вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишида оиласвий муҳитнинг таъсири юқори

эканлигини, оиладаги тарбиявий жараёнлар болаларни ножүя ҳатти-харакатлардан сақлаб қолиши ёки аксинча ҳолат кузатилишини англайдилар.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбазарлиги профилактикасида оилаларнинг ўрнини ўрганиб қўйидагилар таклиф сифатида келтиришимиз мумкин:

1. Туман (шаҳар) ҳокимликларидағи болаларни ҳимоя қилиш шўбаларида ҳуқуқбазарликка мойил бўлган ёки ҳуқуқбазарлик содир этган болаларнинг оилалари билан ишловчи ижтимоий ишчи штатини очиш.
2. Оммавий ахборот воситалари орқали кичик тарбиявий аҳамиятга эга роликлар намойиш этиш.
3. Маҳалла фуқаролар йигини ҳодимлари, умумтаълим мактабларидағи маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарлари учун кичик муддатли “Хатар гуруҳидаги болалар ва уларнинг оилалари билан ижтимоий иш” ўкув курсини ташкиллаштириш ва замонавий профилактик методлар билан таништириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АБИЁТЛАР: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбазарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.[Электрон ресурс]. – Режим доступа:URL: <http://www.lex.uz>.(дата обращения: 29.03.2022).
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. [Электрон ресурс]. – 30.04.1998. – Режим доступа:URL: <https://lex.uz/docs/-104720>. (дата обращения: 29.03.2022).
3. Каримова В.М. Оила психологияси. – Т:; «Фан ва технологиялар», 2007. – 18-21 б.
4. Петренко Е.А. Роль семьи в профилактике преступлений среди несовершеннолетних. 2017.[Электронный ресурс]. Режим доступа: URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-semi-v-profilaktike-prestupleniy-i-pravonarusheniy-sredi-nesovershennoletnih/viewer>. (дата обращения: 17.01.2021);
5. Вихорева Ю.А. Роль семьи и семейного воспитания в профилактике правонарушений. [Elektron resurs]. – Режим доступа: URL: <http://shkola1.com.ru/rol-semi-i-semejnogo-vospitanija-v-profilaktike-pravonarushenij/>. (дата обращения: 29.03.2022).